



*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким масжидда йўқолган нарсасини сўроқлаган одамни эшитса, унга «Аллоҳ уни сенга қайтармасин. Масжид бунинг учун бино қилинмаган», десин», дедилар».**

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Демак, масжидда туриб, йўқолган нарсани эълон қилиш, уни излаш мумкин эмас. Чунки масжид ибодат масканидир. Йўқолган нарсаларни топиб берадиган идора эмас.

Аммо масжид эшигидан ташқарида у ерга келганлардан йўқолган нарса ҳақида маълумот сўраса бўлади. Ушбу нарсага ниҳоятда эътиборли бўлишимиз лозим.

Баъзи жойларда имомлар минбарда туриб, йўқолган нарса ҳақида эълон қиладилар. Бу тўғри иш эмаслиги ҳадисдан кўриниб турибди. ("Ҳадис ва Ҳаёт" китобидан). Валлоҳу аълам!